

Фарзанднинг сиҳати исмига боғлиқми?

15:49 / 11.04.2016 3974

Фарзандимизга Иброҳим деган исм қўйган эдик. Лекин у негандир чақалоқлигиданоқ кўп касал бўлар, баъзида ҳушидан кетиб, ўзини йўқотиб қўяр эди. Бу ҳол беш йил давом этди. Танишлардан бири: «Иброҳим деб, яъни пайғамбарнинг исмини қўйиш мумкин эмас, бола кўтара олмайди. Шунинг учун исмини ўзгартириш керак», деди. Унинг сўзига кириб болага Сайфуллоҳ деган исм қўйганимиздан кейин ҳаммаси яхши бўлди. Бу боғлиқлик қанчалик ҳақиқатга яқин?

ЖАВОБ: Диний китобларимизда, ҳадисларда, фарзанд тарбиясига оид асарларда мусулмонларда болаларга пайғамбарларнинг исмини қўйиб бўлмайди, деган гап йўқ, аксинча қўйиш керак деган кўрсатмалар бор.

Маҳалла-куй, қавм-қариндош, эл-юрт орасида Иброҳим, Исмоил, Довуд, Муҳаммад, Яъқуб каби исмлар ниҳоятда кўп. Мўмин-мусулмонлар болаларига мана шундай исмларни қўйишни фахр деб биладилар. Бу исмлар ҳадисларда келган ни-ҳоятда яхши исмлардир. Воқеъликнинг ўзи шуни кўрсатиб турибди.

Агар саволда келганидай ҳар бир ўғил болага пайғамбарнинг исми қўйилса касал бўлиб, ҳушидан кетиб қоладиган бўлса, халқ ичида бу исмлар оммалашмаган, ҳатто мутлақо қўйилмайдиган бўларди. Демак, миллионлаб Иброҳимдан биттаси шу хатда айтилаётган ҳолатга тушиб қолса, бу барча Иброҳим исмлилар шундай бўлади, дегани эмас. Мана шу нарсани яхши англаб олиш керак.

Энг муҳими, пайғамбарларнинг номини болаларга қўйиш гўзал иш экани, хайр-барака экани ҳадисларда, китобларда келган. Мана шу нарсани ўзимизга дас-тур қилиб олишимиз керак.

Ёш бола бўлсин, катта одам бўлсин, дард, касал Аллоҳдан бўлади. Кимга, қачон, қандай касални беришни Аллоҳ таолони Ўзи биледи. Бу инсоннинг исмига, турган жойига ёки бошқа нарсасига ҳеч қачон боғлиқ бўлмаган нарса. Бу хатдаги каби исми ўзгартиргандан кейин боланинг яхши бўлиб қолиши тасодиф бўлиши мумкин ёки исми ўзгартириш билан бирга яна даволаш чораларини кўрган бўлишлари мумкин ёки Аллоҳ таолони иродаси шунга кетган бўлиши мумкин, қолаверса, бу фитна ҳам бўлиши

мумкин. «Фитна» дегани, яъни синов, бир нарсани нотўғри эътиқод билан қилса, ўшани тадбиқ этса, одам адашиши мумкин, бундан Аллоҳ Ўзи сақласин.

Энг муҳими, динимизга зид бўлган нарсага эътиқод қилиб қўймайлик, нотўғри тушунчаларни ўзимизга диний ақида қилиб кўтариб олмайлик. ҳақиқатини билайлик. Аллоҳ таоло фарзандингиз Иброҳимга комил шифо берсин! (Аллоҳ билувчидир).